
Вилоят ҳокимининг байрам табриклари ўз эгаларига топширилди

8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан узоқ йиллар мобайнида турли соҳаларда ўзининг машаққатли меҳнатлари билан Данғара туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган нуронийлар ва меҳнат фахрийлари холидан хабар олинди. Данғара тумани ҳокими маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилиб келаётган онахонларнинг хонадонларига ташриф буюриб уларга вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг байрам табрикларини ўқиб эшиттирди ҳамда байрам совғаларини тақдим этди.

2024-03-07 18:31:00